# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 26 июнь, № 123 (5797) Чоршанба


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

*Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бу саодатга тинч, хотиржам ва осойишта ҳаёт орқали эришиш мумкин. Зеро, инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир. Тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши ҳамда уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин. Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй ва тантаналар, шодлик ва хуррамлик ярашади, аҳиллик ва тотувлик, қут-барака ҳамдам бўлади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуғлаб келишининг, дуога қўл очганда Яратгандан, аввало, эл-юртга тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ҳамда ободлик тилашининг сабаби ҳам шунда. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ҳамда фуқароларaро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимиздадир.*

## ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

Бугун юртимизнинг барча жойларида — маҳаллалар, қишлоқлар, хонадонларда, ҳар бир юртдошимиз қалбида байрам шукуҳи ҳукмрон. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳудудларда "**Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!**" шиори остида адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари, турли маданий-маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилаётир, янги корхоналар, таълим, маданият, тиббиёт, спорт объектлари фойдаланишга топширилаяпти.

Энг улуғ, энг азиз байрамимизни ана шундай катта қувонч ва ифтихор, шукроналик кайфияти билан кутиб олиш анъанага айланган. Зеро, тинчлик, осойишталик, барқарорлик, кишилар ўртасида меҳр-оқибат, кўнгилларда хотиржамлик бўлган жойдагина юракка байрамлар сиғади. Психолог олимларнинг таъкидлашича, хотиржамлик инсоннинг энг муҳим руҳий эҳтиёжи бўлиб, у шахс соғлиғи, жамият барқарорлигини таъминлашда катта ўрин тутади. Инсонда осойишталик ва хотиржамлик ҳисси бўлсагина кўзлаган мақсадлари йўлидаги саъй-ҳаракатлари самарали бўлади ва муваффақиятга эриша олади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди. Шу ҳақда сўз юритганда, давлатимиз раҳбарининг инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири, бу — тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланади, деган фикрларини яна бир бор эслаш жоиз.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг "ўзбек модели" муваффақиятининг бош омили ҳам юртимизда тинч ва осойишта ҳаёт барқарор таъминланаётганидадир. Айнан тинчлик аталмиш буюк неъмат сабабли, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Янгидан-янги йирик саноат корхоналари қурилаяпти, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объектлари барпо этилаётир, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

(Давоми 2-бетда).



МОДЕРНИЗАЦИЯ

## Илғор технологиялар, кенг имкониятлар

*Соғлом рақобат муҳити қарор топган жойда талаб ва таклиф уйғунлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарувчи томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотнинг сифати юқори, нархи турдошларига нисбатан арзон бўлсагина у харидорлар эътиборига тушади. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда маҳаллий ишбилармонларимиз томонидан саноат тармоқларини энг илғор ва тежамкор технологиялар билан жиҳозлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.*



Пировардида самарадорлиги паст ускуна ва дастгоҳлар ўрнини замонавий ишлаб чиқариш қувватлари эгаллаяпти. Табиийки, бундай ислоҳотлар самараси ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги-янги иш ўринлари ташкил этишда кўзга яққол ташланмоқда.

Масалан, Самарқанд вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот 112,7 фоизга ўсди. Шак-шубҳасиз, бу жараёнда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида киритилган 233,1 миллиард сўмлик инвестициялар минглаб иш ўринлари яратилишига хизмат қилди. Эътиборлиси, ҳозирги кунда вилоятда фаолият юритаётган мавжуд саноат корхоналарида босқичма-босқич модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, трикотаж ва чинни буюмлари ишлаб чиқаришда 60 фоиз, мебелсозликда 80 фоиз, тикувчилик, тўқимачилик ва атторлик буюмлари тайёрлаш тармоқларида 90 фоиз технологияларнинг янгилангани бунга ёрқин мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

### 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

*Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ оммавий ахборот воситалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага илғор технологияларни жалб этиш, етук кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

## ОАВ ривожи ва жамият

Бу ҳақда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган анжуманда сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда соҳа ривожи учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит муҳайё этилган.

(Давоми 2-бетда).

## ТАДБИРКОРЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

*Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси тадбиркорлари иштирокида бизнес-форум ҳамда кооперация биржаси бўлиб ўтди.*

Тадбирларда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг қурилиш, машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик саноати, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган ишбилармонлари савдо-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказиш имконига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ИННОВАЦИЯ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИДИР

*2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, қиймати*

**18 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.**

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ташкил этилиб, унинг доирасида фан ва таълим муассасалари томонидан яратилган ихтиролар, инновацион ишланма ҳамда технологиялар амалиётга жадал татбиқ этилаётгани натижасида ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Наманган шаҳридаги "Истиқлол — 2000" масъулияти чекланган жамиятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган истиқболли лойиҳа натижасида янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди.*

### Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

Айтиш жоизки, мазкур корхона шу кунга қадар пластмассадан уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш билан шуғулланарди. 717 минг АҚШ доллари қийматидаги хорижий технология олиб келиб ўрнатилгач, бу ерда қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиллар учун тасмалар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Эътиборлиси, импорт ўрнини босувчи ушбу маҳсулот ички эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган. Бошқа жиҳати, янгилик жорий этилиши билан корхонада меҳнат қилаётганлар сони 13 нафарга ортиб, 27 кишига етди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги корхонанинг харидоргир маҳсулотлари

*Марғилонда фаолият бошлаган "Гумпа-Элит" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда.*

Боиси, бу ерда тайёрланаётган замонавий пардалар, жалюзалар сифатли ва бежиримлилиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

Бунга эришишда жамиятга ўрнатилган замонавий тикув ускуналари қўл келаяпти. Айни пайтда уларни бошқариш учун касб-ҳунар коллежларини битирган қизлар ишга жалб этилган.

Яқинда корхона қошида маҳсулотларни намойиш этишга мўлжалланган кўргазма зали ҳам фаолият кўрсата бошлади. Қолаверса, жамият жамоаси мижозлар буюртмасига кўра, арзон нархларда хом ашёлар, тайёр енгил саноат маҳсулотлари етказиб беришни ҳам ўз зиммасига олган. Келгусида "Гумпа-Элит" маҳсулотларини экспортга чиқариш кўзда тутилган.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Доришуносликда қўлланилади

*Тиббиёт мутахассислари ширинмия ўсимлиги шифобахш хусусиятга эга эканлигини исботлашган. Шу боис ундан фармацевтика саноатида муҳим ва ноёб хом ашё сифатида фойдаланилади.*

Нукус туманидаги "Оқманғит-бўян" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида мазкур ўсимликни қайта ишлаб, доришуносликда кенг қўлланиладиган экстракт кукуни тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун корхонага хориждан 700 минг АҚШ долларилик замонавий жиҳозлар келтирилиб ўрнатилди. Ўтган қисқа муддатда "Оқманғит-бўян"нинг 30 кишилик жамоаси томонидан 120 миллион сўмлик 6 тонна маҳсулот тайёрланди.

Умуман, Оролбўйи минтақасида жорий йилда саноат салоҳиятини ошириш дастурига мувофиқ, 90 миллион АҚШ долларилик 262 та лойиҳани рўёбга чиқариш, бунинг натижасида 3700 кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Амалий ташаббус

*Учқудуқ туманидаги "Учқудуқ брокер сервис" масъулияти чекланган жамиятида 120 миллион сўм эвазига шлакоблок ҳамда йўлак қопламалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу 10 дан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини берди.*

— Кейинги йилларда туманимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари тадбиркорликни бошлашимизга туртки бўлди, — дейди корхона раҳбари Аслан Мустапаев. — Бизнес лойиҳамиз тижорат банкининг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига молиялаштирилди. Ҳозир хорижий технология асосида тайёрланаётган маҳсулотларимиз намунали лойиҳалар асосидаги тураржойлар қурилишида кенг қўлланилмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тинчлик ва тараққиётнинг ҳаётбахш самараси йил сайин чирой очиб бораётган қишлоқларимиз қиёфасида ҳам ўз аксини топмоқда. Бугун қишлоқ аҳли замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган кўркам тураржойларда истиқомат қилаётир. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2009 — 2012 йилларда 23,6 минг ана шундай замонавий уй-жой барпо этилди. 2013 йил — Обод турмуш йилида 10 мингта уй-жойни қуриш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ва ободлик ўз-ўзидан келмайди. Бу неъматларнинг барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун танлаган йўлимизда собитқадам бўлиб, тинчликнинг маъно-мазмунини бойитишимиз, халқимизни, айниқса, ёшларимизни истиқлол шарофати билан эришган бугунги саодатли кунларимиз ва осуда ҳаётимиз қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялашимиз даркор.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш энг катта вазифаларимиздандир. Бинобарин, йигирма икки йиллик мустақил тараққиётимиз йўлида элу юртимиз бошдан кечирган оғир синовларни ёддан чиқармаслигимиз, мустақиллигимизни, тинч-осойишта ҳаётимизни асраш учун ҳар биримиз доимо курашиб яшашимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш учун турли бало ва офатларни аввалдан англаш, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилиш керак. Бугун жаҳонда рўй бераётган мураккаб ва қалтис жараёнлар ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишни, бепарволикка, beғамликка йўл қўймасликни қатъий талаб сифатида олдимизга қўймоқда.

Халқимизнинг бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади, деган нақлида катта ҳикмат бор. Орамизни бир дарё ажратиб турган қўшни Афғонистонда, ўттиз беш йилдирки, нотинчлик. Уруш жафокаш афғон халқи бошига не-не кулфатларни солмади дейсиз. Беқарорлик туфайли мамлакат иқтисодиёти издан чиқди, юртдан қут-барака кетди. Шимолий Африка, Яқин Шарқ минтақасидаги кўплаб мамлакатлар халқларининг ҳам ҳаловати бузилган. Деярли ҳар куни бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётир. Ушбу давлатларда мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат масканлари, йирик ишлаб чиқариш иншоотлари, аҳоли тураржойлари харобага айланмоқда. Уруш оловида ёниб кул бўлган шаҳарлар бундан атиги бир-икки йил аввал ҳаёт жўшқин қайнаган обод масканлар бўлганига ишонгинг келмайди. Лекин, минг афсуски, бу ҳақиқат.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, уруш ва оммавий тартибсизликлар туфайли Тунисда 300 нафардан, Мисрда 800 нафардан зиёд, Ливияда 14 минг нафар одам ҳалок бўлган. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ҳисоботида қайд этилишича, Сурияда давом этаётган қуролли тўқнашувлар оқибатида ҳар ойда 5 минг киши ҳалок бўлмоқда. Можаро бошланганидан буён эса 93 мингдан зиёд одам қурбон бўлган. Мамлакат аҳолиси бомбардимонлар, зўравонликлардан, тинимсиз отилаётган снаряд ва ўқлардан оиласи, ўз жонини асраш учун уйини, Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлаётир.

Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган бундай мудҳиш воқеаларга уйғоқ кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим. Бу муаммоларга менинг дахлим йўқ, деган тушунча билан яшашнинг, бепарво ва лоқайдлик билан қарашнинг даври ўтган. Инсон қалбини тилка-пора қиладиган қонли можаролар тўсатдан пайдо бўлиб қолмаганини, ушбу мамлакатларга нисбатан узоқ йиллар давомида аниқ мақсадга қаратилган ахборот хуружлари олиб борилганини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Хунрезликлар, ғалаёнлар ортида қандай ғаразли мақсад яширинганини соғлом фикрловчи ҳар бир инсон тушуниб турибди.

Бахтли яшаш учун дунёга келган миллионлаб одамлар бошига беҳисоб кулфат ёғдираётган бу урушларнинг келиб чиқиш сабабини чуқурроқ таҳлил қилганимиз сари уларни бошлаганларнинг асл мақсадлари намоён бўлаверади. Бир халқни бир-биридан айириб, улар ўртасида можаро чиқариб, уруш оловига ёғ пуркаб турган кучларнинг нияти ўша юртни ўз таъсир доирасига тортиш, ноғорасига ўйнатиш, табиий бойликларини ғорат қилиш эканлиги бугун ойдек равшан. Бу қабиҳ йўлдан уларни минглаб бегуноҳ инсонларнинг бевақт хазон бўлаётган умри ҳам, ота-онасидан айрилган норасидаларнинг қайғу ва алами ҳам, ўн гулидан бир гули очилмаган фарзандидан жудо бўлган онаизорнинг оҳу ноласи ҳам қайтара олмаётгани ғоят аянчлидир.

Халқаро тадқиқот институтларининг хулосаларига кўра, сўнгги тўнтариш ва зиддиятлар натижасида 2012 йилда дунё миқёсида қарийб 307 миллиард АҚШ долларига тенг қурол-яроғ сотилгани, ҳарбий операциялар чоғида отилган ҳар бир бомбанинг нархи 30 минг долларни ташкил қилгани мисолида ҳам Ер юзида нима учун уруш ўчоқлари тобора кўпайиб бораётганининг сабабини англаб олиш қийин эмас.

Бугунги глобаллашув даврида ҳеч бир мамлакат ҳаёти ва истиқболини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Инсон тафаккурининг меваси бўлган мазкур интеллектуал ресурслар изчил иқтисодий тараққиёт омилига, билим ва ахборот манбаи ҳамда фаол мулоқот воситасига айланган. Айни пайтда ғаразли кучлар ундан ҳам ўз мақсадлари йўлида устомонлик билан фойдаланмоқда. Интернет ва турли тармоқлар одамларнинг онгини заҳарлаш, уларни ёллаш, ноқонуний гуруҳларга жалб этишда, маънавий ва ахлоқий тубанликни кенг тарғиб қилишда жуда қўл келмоқда. Интернетдан фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Шу сабабли, биринчи навбатда, ҳали мустақил дунёқарашга эга бўлмаган ёшлар ташқи кучларнинг таъсир доирасига тушиб қолмоқда. Буни турли мамлакатлардаги тўс-тўполонларнинг биринчи қаторида, асосан, ёшлар тургани, ҳатто, ўсмирлар қўлини қонга ботираётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дунёда кейинги ўн йилликларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар шуни қайта-қайта тасдиқламоқдаки, бирор жойда уруш ёки тўнтариш қилиш учун жиддий сабаб бўлиши шарт эмас экан. Ғараз ниятли кучлар шунга қасд қилса, бас. Бузғунчилик қилиш учун эса турли сиёсий найрангу баҳоналар топилади. Бу — бугунги замоннинг аччиқ ҳақиқати. Марказий Осиё минтақаси ҳам бундай хавф-хатарлардан холи эмас. Чунки заминимиз минерал ресурслар ва энергия манбаларига бой, ўта муҳим геостратегик маконда жойлашган. Шу боис минтақамизда янги хавф-хатарларнинг пайдо бўлишига бефарқ қараб бўлмайди. Ҳар кун, ҳар он ҳушёрлик, огоҳлик зарур. Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой давлат. Бу бойликлардан бошқа бировлар биздан сўрамай фойдаланган замонлар ўтганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ўзини шу муқаддас Ватаннинг асл фарзанди деб билган юртдошимиз борки, энди бу неъматларни бировларга тутқазиб қўйишни ҳеч ҳам истамайди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ҳамда осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қалқони бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Лекин Ватан тинчлиги кенг тушунча ва эл-юртимиз тинчлигини ҳимоя қилишдек муқаддас бурч фақат муайян соҳалар вакилларининг вазифаси эмас. Биз учун ягона Ватан бўлган Ўзбекистон — барчамизники. Унинг бугуни ва эртанги куни учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Она юртимизнинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ўзимизники. Мамлакатимиз дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторида бўлиши ҳам, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт фаровонлигига эришиши ҳам бизга, бизнинг қандай ҳаракат қилишимизга боғлиқ. Шу пайтгача четдан келиб ҳеч ким ёрдам бермаганидек, бундан кейин ҳам ташқаридан туриб ҳеч ким беғараз, манфаатсиз ёрдам қўлини чўзмайди. Биз ёшларимизга ана шу ҳаёт ҳақиқатини чуқур англатиб, юртимизнинг тинч-осойишта бўлиши йўлида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган сиёсатга содиқ бўлиб, тараққиётнинг янги чўққилари сари ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Тинчлик ва тараққиётнинг асоси бўлмиш огоҳлик кўлами ва залвори кенг тушунча. Огоҳлик илму маърифатдан, борлиқнинг мазмун ва моҳиятидан хабардорлик, инсоннинг ўз камолоти ҳақида муттасил ўйлаши, дунё воқеаларига, ўз қисматига бефарқ бўлмай, ҳушёр ва сергаклик билан ўзини мунтазам назорат қилиб, тарбиялаб боришини, ҳаётда ғурур билан яшашини ҳам англатади. Бугунги дунёда ўзининг қадр-қимматини, ғурур ва ор-номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ҳамда ақл-заковати билан келажагини қуришга ва ўз юртини ҳимоялашга қурби етадиган давлат ва халқни жаҳон аҳли тан олади, ҳурмат қилади. Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг жаҳон узра обрў-эътибори, нуфузи ошиб бораётгани бунга ёрқин мисолдир.

Тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили. Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати самарасида саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. Халқимиз табиатига хос меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро тотувлик сингари фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни ёш авлод онги ва қалбига сингдириш эртанги кунимиз янада чароғон бўлишининг, эзгу мақсадларимиз ижобатининг муҳим мезонидир. Шу боис элу юртимиз энг буюк бойлиги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ТАДБИРКОРЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишлар, жумладан, савдо-иқтисодиёт соҳасида ўзаро манфаатли муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувлари давомида эришилган келишувлар эса бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида имкон қадар қулайликлар яратиш режимига амал қилинмоқда, икки томонлама хусусиятга эга икки юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Жанубий Корея савдо-иқтисодиёт соҳасида Ўзбекистоннинг йирик шерикларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда 2,13 миллиард доллардан ошди ва бу 2011 йилги кўрсаткичга нисбатан 31,4 фоиз кўпдир. Ўзбекистонда Корея капитали иштирокида ташкил қилинган тўрт юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси икки давлат ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

— Биз Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан самарали ҳамкорлик қилмоқдамиз, — дейди Корея Республикасининг Пусан шаҳри Савдо-саноат палатаси ижрочи директори Ил Жей Ли. — Мамлакатимиз бизнес доиралари вакилларининг бу галги ташрифидан кўзланган мақсад турли йўналишларда ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдир. Хусусан, бизни технологик саноатни ривожлантириш, экспорт-импорт салоҳияти, товар айирбошлашнинг янги, янада қулай йўлларини ўрганиш масалалари қизиқтирмоқда.

Тадбирлар давомида кореялик бизнесменларга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имкониятлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

**С. ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ОАВ ривожи ва жамият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, Президентимиз раҳнамолигида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг узвий таркибий қисми бўлган ОАВ фаолиятини ривожлантириш, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида соҳани давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани эътироф этилди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"-ги қарори барча медиатузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети томонидан устоз-мураббийларга, оммавий ахборот воситалари ходимларига эсдалик совғалари топширилди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Мамлакатимизда беш ёшгача бўлган болаларни таркибида фойдали микроэлементлар мавжуд моддалар билан таъминлаш ва соғломлаштириш бўйича "Соғлом бола ҳафталиги" давом этмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир доирасида қарийб икки ярим миллион нафар болага ушбу зарур моддалар бепул тарқатилади.

● **Ўзбекистон Миллий матбуот марказида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш миллий тизимини ривожлантириш масалаларига бағишлаб матбуот анжумани ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ўтказилган ушбу тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.**

● Наманганда вилоят ҳокимлиги ҳамда прокуратураси ташаббуси билан 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва эрта никоҳнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● **Кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида ташкилотнинг Интернет тармоғидаги www.wcu.uz сайтининг янгиланган кўриниши тақдимоти ҳамда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб тадбир уюштирилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Илғор технологиялар, кенг имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Самарқанд шаҳридаги "Sam Antep Gilam" қўшма корхонаси ҳам шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. 2000 йилда 40 нафар ишчи билан фаолият бошлаган мазкур корхонада дастлаб 3-4 хил гилам тайёрланган бўлса, айни пайтга келиб "Sam Antep Gilam" ҳамда унинг қошида ташкил этилган "Carpet Servis" корхоналарида 600 киши иш билан банд. Улар томонидан 100 турдан ортиқ сержило гиламлар ишлаб чиқарилиб, маҳаллий ва хорижлик харидорларга етказиб берилмоқда.

— Корхонамизга ҳар йили Европа давлатларидан 3 миллион долларлик энг илғор ускуналарни олиб келиб ўрнатаяпмиз, — дейди унинг раҳбари Камол Абдуллаев. — Ўз навбатида, замонавий технологияларни бошқариш учун малакали мутахассисларни ишга қабул қилмоқдамиз. Ҳозир жамоамизда меҳнат қилаётган изланувчан ёшларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.

Албатта, муносиб меҳнат шароити, ишчи-ходимлар учун яратилаётган қулайликлар фаолият самарадорлигини оширишда муҳим омилдир. Бу "Sam Antep Gilam" мутасаддиларининг доимо диққат-эътиборида. Чунончи, корхона қошида ташкил этилган "Bionurmedservis" клиникаси ходимларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, уларга бепул тушлик, ишга қатнашлари учун махсус автобуслар ажратилган.



Шу кунларда корхона жамоаси хорижлик буюртмачилар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳаракатида. Хусусан, ўтган йили бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг 7,5 миллион долларлик қисми экспортга чиқарилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 10 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Лойиҳа натижаси

*Арзон хом ашёдан халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тадбиркорликнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.*

ИЗЛАНИШ

Тадбиркор Маримбой Жуманиёзов ана шундай йўл тутиб, Урганч шаҳрида бетондан турли маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослаштирилган "Фариза-Жавлон" хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Тадбиркор бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун 90 миллион сўмлик банк кредити ва ўз маблағини сарфлади. Корхонанинг асосий хом ашёси цемент ва қумдан иборат.

Ўн кишидан иборат меҳнат жамоаси ҳозир ана шу хом ашёлардан брусчатка, кўчалар учун бетондан гул вазалари, бетон перилалар каби 21 турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Тадбиркор айни пайтда сунъий гранит тайёрлашни йўлга қўйиш ҳаракатида. Мазкур лойиҳа амалга ошгач, корхонада иш ўринлари сони 30 тага етади.

Эътиборлиси, жорий йилнинг биринчи чорагида Урганч шаҳрида 56,6 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13,2 фоизлик ўсишга эришилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 26 июнь — Халқаро гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилиш ва унинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни

*Гиёҳвандлик жамият тараққиётига ғов бўлувчи, ёш авлод саломатлиги, ҳаётига хавф туғдирувчи иллатдир. Унинг "тўри"га илинганлар заҳри қотил хуморини босиш мақсадида ҳар қандай қабиҳлик, разолатдан қайтмайди. Оиласига чексиз мусибатлар келтиради, нософлом болалар туғилишига сабаб бўлади. Ачинарлиси, жамият учун хизмат қилиш ўрнига, ўз орзуларини барбод этади, аянчли тақдир эгасига айланади.*

# Қатъият, ҳамжиҳатлик, ишонч

## гиёҳвандлик иллатини бартараф этишда энг самарали ва мақбул йўлдир

Боз устига, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишидан келиб тушаётган мўмай даромад терроризм, диний экстремизм ва одам савдоси каби ўта оғир жиноятларни молиялаштириш йўлида сарфланаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бу иллат энг глобал муаммо даражасига кўтарилган. Шу боис жаҳон ҳамжамияти инсониятни гиёҳвандликка қарши курашда ҳамжиҳат бўлишга чақирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ушбу иллатга қарши кураш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, зарур ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий пойдевор яратилган. Давлатимиз БМТнинг тегишли конвенцияларига қўшилган. 1999 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг изчил ижроси, ўз навбатида, юртимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятни бажаришда катта аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг ғайриқонуний фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, контрабанда каналларини тўсиш, наркотик экинларни йўқ қилиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича махсус тадбирлар мажмуи ҳаётга татбиқ этилаяпти. Чунончи, 2012 йилда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 8155 тани ташкил этган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, афғон гиёҳвандлик моддалари давлатимиз ҳудудига, асосан, Тожикистон, Қирғизистон ва Амударё орқали бевосита Афғонистондан кириб келади.

2012 йилда хорижий давлатларнинг 136 нафар фуқаролари наркожиноятлари учун қўлга олинган. Улардан 109,5 кг. наркотик воситалар, шунингдек, таблетка ва ампула шаклидаги психотроп моддалар ҳамда прекурсорлар мусодара қилинди.

Наркотик моддаларни ташувчи нопок кимсалар бу ҳаёт кушандасини мева-сабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларидаги пана жойларда, қўл юклари, маиший буюмлар, кийим-кечаклар орасида, инсон танаси, ҳатто, ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринишмоқда.

Икки босқичли "Қорадори — 2012" кенг қамровли тадбири давомида 1211 ҳолатда 1,2 гектар майдонда таркибида наркотик моддалар бўлган экинлар аниқланган, 2,4 гектар майдонда ёввойи наша ўсимликлари йўқ қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, МХХ Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан наркобизнес билан боғлиқ кўплаб қонунбузилиш ҳолатлари фош этилди.

Табиийки, жиноятга жазо муқаррар. Яъни республика суд органлари томонидан 2012 йилда 3578 та жиноят иши кўрилиб, 4953 нафар шахсга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этмоқда. Бунда гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олишга, идоралараро ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айни пайтда кенг кўламли профилактика ишлари олиб борилаяпти.

Шулар баробарида, наркологик даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация муассасалари янгиланди, замонавий жиҳозлар билан таъминланди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Умуман, олиб борилаётган кўламли тарғибот-тушунтириш ишлари, турли машғулотлар натижасида психоактив моддаларни нотиббий мақсадда истеъмол қиладиган, диспансер ва профилактика ҳисобида турадиган шахслар сонини сезиларли даражада камайтиришга эришилди.

Айтиш жоизки, имзоланган шартномалар доирасидаги келишувларга мувофиқ, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда ШҲТ мувофиқлаштирувчи тузилмалари билан наркотикларга оид вазият тўғрисидаги ахборот материалларини алмашиш изчил таъминланмоқда.

Шунингдек, республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари наркотик моддалар ноқонуний муомаласига қарши кураш масалалари бўйича Венгрия, Франция, Италия ва Буюк Британия давлатларида ЕХҲТ кўмаги билан ташкиллаштирилган ўқув курсларида малака оширдилар.

Шу кунларда Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва унинг ҳудудий комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим, тиббиёт, маданият, спорт муассасалари, хайрия фондлари ҳамкорлигида профилактика, тушунтириш-тарғибот тадбирлари қатъий, режали асосда ўтказилаётгани бу борада кўзда тутилган амалий чораларнинг муҳим қисмидир.

**Аҳмед МАНСУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори.**

# Тоғ бағридаги сўлим оромгоҳ

**Бу ерда болажонларнинг мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароит мавжуд.**



*Сойлиқ қишлоғи Бўстонлиқ туманининг пурвиқор тоғлар, яшил боғ-роғларга туташ хушманзара гўшаларидан бири ҳисобланади. Республика Ички ишлар вазирлигининг "Оқтош" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам худди шу ерда жойлашган бўлиб, айни пайтда кўплаб кичкинтойларнинг севимли масканига айланган.*

«ЁЗ — 2013»

Яқинда мазкур оромгоҳда ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқариш мавсуми бошланди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари, ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Таъкидлаш лозимки, оромгоҳ жорий йилги дам олиш мавсумини мутлақо янги қиёфа ва замонавий шарт-шароитларда қарши олди. Бунинг учун дам олиш маскани тубдан реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Таъмирдан сўнг янгича чирой очган оромгоҳда маънавият ва маърифат хонаси, спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси, дам олиш, тиббиёт хоналари, шунингдек, ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини мустаҳкамлаш ва ҳунар эгаллашларига кўмаклашувчи тўгараклар мавсум бўйи ўғил-қизлар хизматида бўлади. Ўқувчиларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун бу ерда махсус ишлаб чиқилган дастур асосида бир қатор маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари мунтазам ташкил этилади. Шунингдек, болажонларни соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар вазирлик тизимидаги даволаш муассасалари билан узвий ҳамкорликда ўтказилади.

Ички ишлар вазирлиги тизимига қарашли ташкилот ва муассасалар ходимлари, ҳарбий хизматчилар, меҳнат фахрийлари ҳамда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари — 1200 нафар ўғил-қиз муассасанинг жорий мавсумдаги меҳмонлари бўлади.



— "Оқтош"да асло зерикмайсиз, — дейди шу ерда ҳордиқ чиқараётган ўсмирлардан бири, хоразмлик Наврўза Оллаберганова. — Келган кунимизданоқ қизиқарли спорт ўйинлари, тўгарак машғулотларига киришиб кетдик. Мен, масалан, бичиш-тикиш тўгарагига аъзо бўлдим. Яна кўплаб дўстлар орттираяпман. Бу ернинг ҳавоси менга, айниқса, манзур бўлди.

Маросим санъат усталари ҳамда ҳаваскор ёшлар ижросидаги катта концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими А. Усмонов иштирок этди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

● Реклама ва эълонлар ●

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ТОМОНИДАН СТРАТЕГИК ИНВЕСТОРЛАРГА ТАКЛИФ**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида***

*«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш мақсадида ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:*

**«Samarqand Aqua Line» МЧЖ** — газланган ва газланмаган табиий тоза сув, шарбат ҳамда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

***Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А»уй.***

**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

***Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.***

**«Horazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идиш ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

***Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.***

**«Elite Stars Textile» МЧЖ** — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

***Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.***

Маълумот учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз сўралади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: uzpsbinvest@gmail.com, psbinvest@gmail.com**

748A/458

**М.В. ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

*2013/2014 ўқув йилига абитуриентлар қабулини қуйидаги йўналишлар бўйича бошлаганлигини эълон қилади:*

- **амалий математика ва информатика;**
- **психология.**

***Ҳужжатлар 2013 йил 20 июндан 10 июлга қадар қабул қилинади.***

**Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 22-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 232-28-11, 232-28-22.**
**Қабул ҳайъатининг иш вақти — соат 9.00 дан 18.00 гача, дам олиш кунларисиз.**

**Қўшимча маълумот учун сайт: www.msu.uz**

1017A/602

**«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АКга қарашли «Neftgazqazibchiqarish-injiniring» унитар шўъба корхонаси**

***2013 йилги молиявий фаолиятини аудит текширувидан ўтказишга аудитор компанияларини танловда қатнашишга таклиф этади.***

**Ўз тижорат таклифларингизни 2013 йил 20 июлгача қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:**
**Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 66-уй,**
**«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК, маъмурий бино, 2-қават, 212-хона.**

**Маълумот учун тел./факс: (+99871) 235-35-97, 235-45-82.**

1029A/603

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 16 ноябрдаги 191203/16575-сонли, 2012 йил 8 октябрдаги 19-1206/13831-сонли, 2012 йил 11 июлдаги 19-1201/9010-сонли, 2012 йил 18 июндаги 19-1203/7571-сонли, 2012 йил 30 декабрдаги 19-1201/19409-сонли, 2013 йил 27 мартдаги 19-1303/2403-сонли, 2013 йил 7 февралдаги 19-1307/838-сонли, 2013 йил 5 апрелдаги 19-1306/2913-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Денов шаҳри, Н. Мирзаев кўчаси, 86-уйда жойлашган, «Бибиҳувайдо-Рустам» хусусий фирмасига тегишли, умумий майдони 2932,5 кв.м. бўлган, 1983 йилда қурилган «Денов» ресторани биноси ва ҳудудида қурилган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 496 554 813 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 октябрдаги 19-1203/9669-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, ат-Термизий шоҳкўчаси, 9-«Г» уйда жойлашган, «Навонур-Файз-Фазо» хусусий корхонасига тегишли, умумий майдони 300,99 кв.м., 2009 йилда қурилган, 2 қаватли, ертўлали, 26 хонадан иборат, компьютер хизмати, маиший хизмат кўрсатиш ва китоб савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Бойсун тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2012 йил 22 октябрдаги 1-6322/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, Тузбозор маҳалласи, Т. Пиров кўчасида жойлашган, умумий майдони 662,15 кв.м., 1975 йилда қурилган, бир қаватли идора ва ёрдамчи бинолар (А, Б, В, Г литерлар) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 24 612 000 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 29 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 26 июль куни соат 18.00.

**1.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган тураржой) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 355 804 842 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2012 йил 13 сентябрдаги 2-37-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Истомина кўчасидаги 2 қаватли 57-уйнинг биринчи қаватида жойлашган, 1-хонадон, фойдаланиш майдони 64,1 кв.м., 1963 йилда қурилган, 3 хонадан иборат тураржой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 43 470 000 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 15 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 12 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 227-57-94 . www.1kms.uz**

1027R/1453

*Лицензия: RR-0001.*




**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**

**Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби**

***кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади.***

1. **«Санъат тарихи ва назарияси» кафедраси:**
   - катта ўқитувчи — 1 ўрин;
   - ўқитувчи — 1 ўрин.
2. **«Хореография» кафедраси:**
   - ўқитувчи — 1 ўрин.
3. **«Ижтимоий гуманитар фанлар»:**
   - катта ўқитувчи — 1 ўрин.

*Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддат давомида қабул қилинади.*

**Олий мактаб манзили:**
**100031, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 31-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**(8-371) 256-33-59, 256-36-91. Факс (8-371) 256-24-36**

***Ректорат.***

993R/511

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Шу пайтгача қўлқоплардан, асосан, совуқ ҳароратда қўлларни иссиқ тутиш учун фойдаланиб келган бўлсак, эндиликда уларни мобиль телефон сифатида ҳам ишлатиш мумкин.***

## Қўлқоп телефон



Чунки рассом Шон Миль томонидан яратилган инновацион қўлқоплар айнан шундай вазифани бажаришга мўлжалланган.

Қўлқопнинг кичик (жимжилоқ) бармоқ томонига микрофон, бошбармоғига эса қулоқчин ўрнатилган. Уни кийиб, қўлингизни "гўшак" шаклига келтирасиз ва қулоққа тутасиз. Шу тариқа сиз қўлқопни ечмасдан ва телефонни кўтармай, суҳбатдошингиз билан гаплашиш имкониятига эга бўласиз. Бунинг учун қўлқопни "Bluetooth" функцияси орқали телефонга уласангиз, бас. Муҳими, бундай қўлқоп исталган русумдаги мобиль телефонига мос келади.

## Олтин конидаги фалокат

***Марказий Африка Республикасидаги олтин конларидан бирида юз берган фалокат оқибатида камида 37 нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Яна ўн кишининг ҳаётини эса кончилар сақлаб қолишган.***

Бу қурбонлар ва жароҳатланганларнинг якуний ҳисоби эмас. Чунки ҳали ер остида яна қанча одам қолиб кетгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Фожиага кучли ёмғир ёғиши сабаб бўлгани айтилмоқда.

Ушбу кўнгилсиз воқеа туфайли мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

## Дорбоз рекорд ўрнатди

***АҚШлик дорбоз Ник Валленда ҳимоя камарисиз Гранд дарасидан ўтишни уддалади.***



Узунлиги 427 метр, қалинлиги 5 сантиметр келадиган пўлат сим устидан юриб ўтишга ўзида куч топа олган дорбоз ушбу хатарли "йўл"ни 23 дақиқада босиб ўтди. Шу тариқа у Гранд дарасидан ўтган биринчи инсонга айланди.

Ник Валленданинг айтишича, ушбу мураккаб машқни бажариш учун тўрт йил давомида тайёргарлик кўрган. Хусусан, Ник охирги машғулотларида соатига 80 км. тезликдаги шамолни юзага келтириш учун махсус вентилятор билан ўралган 300 метрлик арқонда юришни синаб кўрган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Аризона штатидаги Гранд дараси дунёдаги энг катта даралардан бири ҳисобланади. Унинг баъзи жойларида чуқурлик 1800 метрга тенг.

## «Сайёҳчасига гаплашишни биласизми?»

***Парижда сайёҳлар билан муомала қилишни ўргатувчи дарслик чоп этилди.***

Бу китоб маҳаллий официантлар, таксичи ва меҳмонхона ходимларининг хатоларини тўғрилашга қаратилган.

Маълум бўлишича, Франция пойтахтида хизмат кўрсатувчи ходимлар, одатда, хорижликлар билан мулоқотга киришишни ва оддий хушмуомалалик қоидаларига риоя қилишни билмас экан. Шу боис ушбу қўлланмани чоп этишга эҳтиёж сезилган.

Китоб бепул тарқатилиши мўлжалланган бўлиб, у "Сиз сайёҳчасига гаплашишни биласизми?" дея номланган.

Қўлланмада турли мамлакатлардан келган сайёҳларга маъқул бўладиган муомала маданияти киритилган. Жумладан, италияликлар қўл бериб сўрашишни ёқтиришар экан. АҚШликлар эса хизмат ҳақини аниқ билишлари зарур экан. Хитойлик саёҳатчилар эса шунчаки табассум қилиб, уларнинг тилида саломлашишни хуш кўришади.

## Автомобиллардан дом-дарак йўқ

***Франциянинг Марсель шаҳрида юк сақлаш бандаргоҳидан еттита "Мерседес-Бенц" русумидаги машина ўғирлаб кетилган.***



Маҳаллий "ТФ1" ахборот манбаси хабарига қараганда, ўғирланган машиналардан ҳар бирининг баҳоси ўртача 50 минг еврога тенг экан.

Ушбу воқеага гувоҳ бандаргоҳ қўриқчисининг айтишича, жиноятчилар камида ўн киши бўлган. Ўқотар қуроллар билан қуролланган жиноятчилардан бири қўриқчини гаровга олган. Қолганлари эса машиналарга ўтириб, омборхона ҳудудини тарк этган.

Ҳозирги кунгача ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жиноятчиларнинг изини топишгани йўқ. Полиция ходимининг таъкидлашича, жиноятчилар ушбу бандаргоҳдаги вазият билан жуда яхши таниш бўлган одамлардан ташкил топган. Шу боис уларни топиш унчалик қийин кечмайди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жамоаси ижро этувчи директорнинг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Зиядуллаевга волидаи муҳтарамаси

**МАРЗИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси Пахтани дастлабки ишлаш кафедрасининг меҳнат фахрийси, доцент

**Мухтор Алиевич АЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Малайзия матбуоти Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида

*Сўнгги пайтларда Малайзия матбуотида юртимизга бағишланган мақолалар тез-тез чоп этилаётир. Яқинда мазкур мамлакатда инглиз тилида чиқадиган "New Straits Times" газетасида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти, бетакрор меъморий обидалари, ранг-баранг маданияти ва тарихи ҳақида қатор мақолалар эълон қилинди.*

## ЭЪТИРОФ

Улардан бири малайзиялик журналист **Н. Корис**нинг **"Зоминдаги сўнгги қор"** сарлавҳали мақоласидир. Унда Ўзбекистоннинг Жиззах вилоятидаги тоғли ҳудудда денгиз сатҳидан 2500 метр баландликда жойлашган бетакрор Зомин табиатининг гўзаллиги тасвирланади.

Муаллифнинг қайд этишича, кейинги йилларда Зомин жадал ривожланмоқда, янги уй-жойлар ва савдо-сотиқ мажмуалари барпо қилинаётир, маданий, дам олиш марказлари фаолият юритаётгани ҳолда, у ерда замонавий инфратузилма яратилмоқда.

Журналист Зомин ҳудудида сайёҳликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар доирасида шаҳарнинг юқори қисмида, тоғ ёнбағрида сайёҳлар истиқомат қилиши учун бунёд этилган уй-жойлар мажмуасига атрофлича тўхталган. "Ушбу уйларнинг эгалари бу ерга келадиган сайёҳларни самимият билан кутиб олишади, тоғ бўйлаб саёҳатлар уюштиришгани баробарида, Зоминнинг диққатга сазовор жойлари билан ҳам таништирадилар", деб ёзади Н. Корис. Муаллиф Зоминдаги бундай имкониятларни Малайзияда ҳаётга татбиқ қилинаётган ҳамда хорижлик сайёҳларнинг маҳаллий аҳоли уйларида истиқомат қилишини назарда тутадиган "Homestay e-Marketing Promotion" дастури билан қиёслайди.

Яна бир журналист **Ш. Таиб**нинг **"Асосий танлов: Ўзбекистон"** сарлавҳали мақоласида эса "Замонавий, тараққий топган сайёҳлик инфратузилмаси, ранг-баранг ва саховатли табиати, буюк маданияти ҳамда кўҳна тарихи, бетакрор меъморчилик обидалари, ўзбек халқининг кўп асрлик урф-одат ва анъаналари, юксак даражада ривожланган ҳунармандлик санъати ва жуда мазали миллий таомлари Ўзбекистоннинг истиқболли сайёҳлик йўналиши сифатидаги мақомини белгилайдиган омиллардир", дея эътироф этилади.

"Бугун Ўзбекистон бутун дунёнинг эътиборини ўзига жалб қилаётир. Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бу ўлкада истиқомат қилаётган халқларнинг тарихи, анъаналари ва маданиятининг ажиб тарзда уйғунлашиб кетгани кишини ҳайратда қолдиради", деб ёзади малайзиялик журналист.

Ш. Таибнинг таъкидлашича, "Ўтмишнинг тилсиз гувоҳлари бўлмиш бетакрор обидалар Ўзбекистонда кўз қорачиғидек авайлаб асралмоқда. Уларнинг қайта тикланиши ва таъмирланишига катта эътибор қаратилаяпти. Мустақиллик йилларида Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари сингари байрамлар ҳам тикланиб, ҳозирги вақтда улар бутун мамлакат бўйлаб кенг нишонланади".

Муаллиф ўз мақоласида Ўзбекистонда дунёнинг барча нуқталаридан келадиган вакиллар иштирокида "Шарқ тароналари", "Асрлар садоси" сингари қатор халқаро анжуманлар мунтазам ўтказилиб келинаётганини ҳам алоҳида эътироф этади.

**«Жаҳон» АА.**
Куала-Лумпур

## ҚАРОР ВА ИЖРО

*Эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи, ишонч ва таянчи бўлмиш навқирон авлоднинг ҳар томонлама етук тарзда ўсиб-улғайиши учун бемисл эътибор қаратилаяпти. Замонавий ҳамда муҳташам биноларда жойлашган ва энг илғор таълим услублари жорий этилган билим масканларида бугун ўғил-қизларимиз учун барча имкониятлар муҳайё.*

# Мактабдан — коллеж ва лицейларга

Қувонарлиси, Юртбошимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги натижасида амалга оширилган бундай хайрли ишлар бугун ўзининг улкан самарасини бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 майдаги "2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори ана шундай ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди.

2012/2013 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларини 26 минг 728 нафар ўқувчи битирди. Жумладан, уларнинг 2 минг 490 нафари академик лицейларга, 24 минг 238 нафари эса касб-ҳунар коллежларига қамраб олиниши режалаштирилган. Айни пайтда барча умумтаълим мактабларига ҳудуддаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари рўйхати, улардаги йўналиш ва мутахассисликлар ҳақида маълумотлар тарқатилди. Мактаб битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида ўқувчининг қайси ўқув муассасасини танлаганлиги юзасидан сўровномалар ўтказилиб, натижалари муҳокама қилинмоқда.

Битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, уларнинг мустақил касб танлашларига имконият яратиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ташкил қилинган шарт-шароитлар билан яқиндан таништириш мақсадида "Оталар мажлиси", шунингдек, 9-синф битирувчилари, айниқса, қизларнинг касб танлашига ёрдам бериш, уларнинг эрта турмуш қуришининг олдини олиш мақсадида "Оналар мажлис"лари ўтказиб борилмоқда.

Қарорга мувофиқ, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, педагог кадрлар салоҳияти, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, касб-ҳунар коллежларини қайта ихтисослаштириш, профилини ўзгартириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қўнғирот қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини Қўнғирот агроиқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежига ўзгартириш бўйича таклиф Марказга тақдим этилди. Шунингдек, Корея Республикасининг Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси (EDCF), Германия имтиёзли кредит маблағлари асосида жиҳозланган таълим муассасаларида тайёрлов йўналишлари бўйича қабул квотаси шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда қабул қилинган қўшма қарор асосида жойлардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида "Мутахассислик — сенинг келажагинг" мавзуидаги тадбирлар юқори савияда ташкиллаштирилди. Уларда Нукус шаҳридаги турли соҳаларда кичик мутахассисликлар тайёрлаётган 20 та касб-ҳунар коллежи, олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш истагидаги ўқувчилар учун чуқурлаштирилган билим берувчи 6 та академик лицей, 15 та тумандаги 71 касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей тақдимотлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда Нукус шаҳридаги 2800 дан зиёд, туманлардаги 22 минг нафардан ортиқ 9-синф битирувчилари, уларнинг ота-оналари, устозлари қатнашиб, ўзлари учун фойдали маълумотлар олишди. Таълим муассасаси вакиллари эса ўзлари фаолият кўрсатаётган ўқув даргоҳидаги шароитлар, йўналишлар ҳамда касб маҳорати ҳақида сўзлаб беришди. Бу ҳар бир битирувчининг танлаган касбига астойдил меҳр қўйишига, қизиқиши ортишига, келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига хизмат қилади.

Ана шундай тадбирлардан яна бири жорий йилнинг 25 май куни барча умумтаълим мактабларида бўлиб ўтди. "Хайр, мактаб, салом, коллеж!" шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ташриф буюрдилар, у ердаги шароитлар билан яқиндан танишдилар. Қолаверса, Оролбўйидаги 739 та умумтаълим мактабининг 26 минг нафардан зиёд битирувчи ўқувчиси ва уларнинг ота-оналари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Хулоса ўрнида айтганда, навқирон авлоднинг мустаҳкам билим олиши, уларнинг Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши, юртнинг фахри, ғурури бўлишида барчамиз масъулмиз.

**Дауитбай ИЗЕТУЛЛАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.**

# «Наво»да янграган наволар

## кўнгилларга олам-олам завқ бағишлади

*Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Обод юртга муносиб фарзанд бўлайлик" мавзуида ижодий учрашув бўлиб ўтди.*

## ТАДБИР

Мустақилликнинг 22 йиллиги олдидан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир истиқлолни улуғлаш, ёшлар онги ва қалбига эзгу ғояларни сингдиришга йўналтирилганлиги билан кўпчиликда ёрқин таассурот қолдирди.

Таъкидлаш лозимки, истироҳат боғининг яқинда таъмирдан чиқарилган, 800 та ўриндиқ ўрнатилиб, замонавий овоз кучайтиргич ва махсус чироқлар билан таъминланган "Наво" ёзги концерт зали, айниқса, иштирокчилар билан гавжум бўлди. Томошагоҳнинг тантанали очилиш маросими билан уланиб кетган гала-концерт давомида вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан келган маҳаллалар фаоллари, меҳнат фахрийлари ва ёшлар қатнашди. Ўзбекистон халқ артистлари Абдуҳошим Исмоилов, Зулайҳо Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Самандар Ҳамроқулов, Ғиёс Бойтоев, Меҳри Абдуллаева, "Ниҳол" мукофоти совриндори Малика Эгамбердиева сингари таниқли санъаткорлар ҳамда ёш истеъдодлар ижросидаги куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КЎРГАЗМА

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида халқ амалий санъати усталарининг ижодий ишлари кўргазмаси намойиш этилаётир.*

# Санъат жозибаси

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб уюштирилган ушбу кўргазмада Ўзбекистон халқ усталари Маҳмуд Усмонов, Мақсуд Қосимов, Неъмат Иброҳимов, шунингдек, Мирсобит Обидов, Эргашжон Алиев, Сирожиддин Раҳматуллаев сингари элликдан зиёд ҳунармандларнинг турли даврларда яратилган ганчкорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, кулоллик, матога гул чизиш каби ижодий ишлари санъат ихлосмандларига ҳавола қилинмоқда.

Кўргазма 5 июлга қадар давом этади.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

## ЭЪЗОЗ

*Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова хотирасига бағишланган "Хотира азиздир" деб номланган мақом кечаси бўлиб ўтди.*

# Хотира азиздир

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мақом ижрочилиги санъати намояндалари, санъаткорлар, олимлар, санъат мухлислари қатнашди.

Тадбирда бетакрор овоз соҳибаси Берта Давидованинг ўзбек мақомларини дунё саҳналарида маромига етказиб ижро этгани ва унинг оммалашишида салмоқли ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда санъаткор томонидан ижро этилган "Муножот", "Фиғон", "Сарахбори оромижон", "Самарқанд ушшоғи", "Дугоҳ" каби тароналар ўзбек мусиқа санъати хазинасидан ўрин эгаллаган.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

Реклама ва эълонлар











Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5